


26. Ҳадис ва Ҳаёт 1-жуз «Муқаддима»



18:50 / 22.03.2011 3118

Ҳадис ва Ҳаёт 1-жуз «Муқаддима»

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг «Муқаддима» деб номланган 1-жузи.

Азиз ва муҳтарам ўқувчиларимиз!

Аллоҳ таолонинг инояти ва мухлис бандаларнинг саъйи ҳаракатлари ила сиз азизларга орзиқиб кутилган «Ҳадис ва Ҳаёт» китобини тақдим қилиш бахтига муяссар бўлиб турибмиз. Бу китоб барчамизнинг севикли пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо алайҳиссаломнинг энг мўътабар ҳадис китобларда келган сара ҳадисларининг замонавий шарҳидир «Ҳадис ва Ҳаёт»ни ёзиш жараёнида у кўпчилик тушунадиган содда тилда бўлишига алоҳида эътибор берилди. Қолаверса, бу китоблар юртимизда асрлар оша мусулмонларнинг ягона ва доимий фикҳий мазҳаби бўлмиш ҳанафий мазҳабида бўлиши эътиборимизда турди.

Албатта, бош вазифалардан бири Аллоҳ юборган ва Пайғамбар

алайҳиссалом татбиқ қилган мўътадил Исломот таълимотларини халқимизга етказиш эди. Шунинг учун ҳам баъзи фирқа ва тоифаларга раддиялар берилиб, уларнинг даъволари нотўғрилиги баён қилинди. Агар мазҳабимизда олинмаган ҳадислар келса, у ҳадисга қайси мазҳаб амал қилиши ва ҳанафий мазҳабида нима учун бу ҳадис олинмагани айтиб ўтилди. Баъзи ҳолатларда шарҳ қилинаётган матнда ҳанафий мазҳаби далили зикр қилинмаган бўлса, ўша далилни бошқа китоблардан топиб, ўз ўрнида зикр қилинди. Ҳозирги кунимизда турли омилларга кўра, мусулмонлар ичида тарқалиб, кўпчиликнинг ташвишига сабаб бўлаётган масалалар ҳам ўрни келганда ҳужжат ва далиллар билан ҳақиқий шаръий ҳукми айтиб ўтилди. Ихтилофлар ноўрин эканлиги баён қилинди.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни араб тилидан бошқа тилларга таржима ёки шарҳ қилишда арабча матн, албатта, бирга бўлиши кераклиги ҳақидаги фатволарга амал қилиб, баъзи арабчани биладиган ўқувчиларга ёрдам бўлиши ва матннинг қудсиятини сақлаб қолиш ниятида аввал ҳар бир ҳадиснинг матни рақамланган ҳолда келтирилди. Кейин ҳадислар сўзма-сўз таржима қилинди. Шарҳга ўтганда қадимги уламоларимиз одатига эргашиб, ҳар бир ҳадиснинг ровийси бўлган саҳобийнинг қисқача таржимаи ҳоли бериб борилди. Шарҳга эҳтиёжи бор истилоҳлар ва сўзлар керагича шарҳ қилинди. Сўнгра ҳадиснинг умумий шарҳига ўтилди. Ҳадисдан чиқадиган ҳукмлар баён қилинди. Ҳадисдан олинадиган фойдалар ҳам рақамланган ҳолда санаб кўрсатилди. Айниқса, ҳар бир ҳадис маъносини бугунги кунимизга яқинлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Баъзи бир илмий кашфиётлар ҳадисда келган маънони тасдиқлаган бўлса, улар ҳам зикр этилди.

Китобнинг жузлари асосан мавзуга қараб белгиланди. Мисол учун, «Поклик китоби», «Таом ва шароб китоби», «Яхшилик ва ахлоқ китоби», «Рўза китоби» ва шунга ўхшаш. Ҳаммаси бўлиб, «Ҳадис ва Ҳаёт» китоби ўттиз тўққиз жузни ташкил қилди. Улардан мусулмон одамнинг ҳаётида дуч келадиган асосий масалаларнинг барчасига жавоб топиш, ҳеч бўлмаганда, йўлловчи маълумот олиш мумкин.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Номи: Ҳадис ва Ҳаёт. 1-жуз. Муқаддима

Нашриёт: «Шарқ» НМАК

Сана: 2008 йил

Ҳажми: 192 бет

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмитанинг тавсияси ила чоп этилган

Ушбу китобда қуйидаги масалаларга оид маълумотлар олишингиз мумкин:

Суннат нима

Суннат тарихи

Ҳадисни текшириш

Муҳаддислар

«Улум ул-ҳадис»

Суннат ва фуқаҳолар

Муҳаддис имомлар ва фикҳий мазҳаблар

Суннатнинг санад жиҳатидан тақсими

Ҳадис ила собит бўлган ҳукмларни тўртга бўлиниши

Пайғамбар алайҳиссаломдан содир бўлган амалларнинг турлари

Ҳадис ила собит бўлган ҳукмнинг даражаси

Суннат турли истилоҳларда турли маъноларни ифода қилиши

Суннат муҳаддислар истилоҳида

Суннат фуқаҳолар истилоҳида

Суннат усули фикҳ уламолари истилоҳида

Суннат саҳобалар истилоҳида

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган нарсаларнинг иккига бўлиниши

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан пайғамбарлик сифатлари ила содир бўлган суннатлар

Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламдан пайғамбарлик сифатларидан ташқари содир бўлган суннатлар

Қандоқ нарсалар Муҳаммад алайҳиссаломдан башарлик тақозоси билан содир бўлган?

Пайғамбар алайҳиссаломдан иршод тариқасида содир бўлган нарсалар

Суннатдаги аҳкомларнинг умумий ва хусусийга тақсимланиши

Суннат ва ақоид масалалари

Саҳиҳ ҳадисларни ҳам танлай билиш керак

Ҳадисларни яхши тушуниш учун зарур омиллар

Мовароуннаҳрда ҳадис ва муҳаддислар

Китобхонга эслатма

Ҳадис ўрганувчилар одоблари

Имом Бухорий

Имом Муслим

Имом Абу Довуд

Имом Термизий

Имом Насай

Имом Ибн Можа

Молик ибн Анас

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал

Имом Доримий

Имом Ҳоким

Имом Шофеъий